# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

КУТУБХОНАСИ
Тадқиқотлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 31-avgust • Payshanba • 103 (27.595) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК НАМУНАЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 30 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ



**Суратда:** *Мустақиллик майдонидаги маъмурий бино*

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

Таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳсули сифатида сўнгги йилларда юртимизда дунёнинг турли нуфузли университетлари билан ҳамкорликда қатор олий таълим муассасалари ташкил этилди. Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида улар сафига М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2005 йил 14 ноябрь куни Москвада Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давоми бўлган бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни олий даражага кўтарди.

Кремлда ўтган ана шу тарихий учрашувда Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалининг очилиши маълум қилинган эди. 2006 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. МДУ филиалининг биноси Тошкент марказидаги Мовароуннаҳр кўчасида қад ростлади. Қурилиш ишлари «ЎзЛИТТИ» ёпиқ акционерлик жамияти томонидан бажарилди.

30 август куни МДУнинг Тошкент филиалига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов бу муҳташам бино ён-атрофдаги иншоотлар билан ягона меъморий ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади.

Июлнинг биринчи ўн кунлигида мазкур олий ўқув даргоҳига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Мингга яқин абитуриент саксон ўрин учун ўзаро беллашди. Янги ўқув йилида унинг илк талабалари икки йўналишда — амалий математика ва информатика ҳамда психология бўйича таҳсил олишни бошлайди.

— Ушбу филиал мамлакатимизнинг Россия билан иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди, — деди Ислом Каримов. — Россиядан йирик олимлар келиб дарс беради. Бу эса илмий-академик доираларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ислом Каримов талабаларнинг ўқиш, машғулотларга тайёрланиш, яшаш шароитлари билан танишди. Компьютер хонаси, ахборот ресурс маркази, конференциялар залини кўздан кечирди.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бош майдони улкан меъморий ансамблга айланди. Мустақиллик монументи, Хотира майдони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси сингари асрлар силсиласига бардош бера оладиган бунёдкорлик намуналари яратилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тўлиқ реконструкция қилинди.

Фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаън-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бири сифатида абадиятга муҳрланди.

Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали Эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини уйғунликда ифодалаган бу ёдгорлик, Юртбошимиз таклифига кўра, Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталди.

Президент Ислом Каримов Мустақиллик майдонидаги янги иншоотлар билан танишишни маъмурий бинодан бошлади.

Мустақиллик майдонига файз бағишлаб турган мазкур бино улкан бунёдкорлик ишларининг ҳосиласидир. 14 қаватдан иборат кўркам маъмурий бино ҳамда унинг ёнида қад ростлаган 7 қаватли муҳташам иморат бир-бирига уйғун ягона мажмуага айланган.

— Бу муҳташам бино Мустақиллик майдонининг яхлит меъморий ансамблини тўлдиради, — деди Юртбошимиз. — Бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланаётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги ортаётганидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасида фавворалар барпо этиш амалиёти мустақиллик даври меъморчилигининг узвий қисми сифатида муҳим ўрин тутади.

Олдинги фавворанинг истиқлол йилларида Мустақиллик майдонида юксак дид билан бунёд этилган меъморий обидалар қуршовидабугунги илғор технология даври талабларига жавоб бермаслиги аёнлашиб қолган эди. Жорий йилнинг апрель ойида бошланиб, яқинда ниҳоясига етган қурилиш-реконструкция ишлари туфайли замонавий фавворалар мажмуи юзага келди. Маъмурий бинонинг икки тарафидаги фавворалар тўла реконструкция қилинди. Хотира майдонига туташ жойда эса қўшимча равишда қурилган узунлиги 88 ва эни 35 метрлик янги фонтан ҳам кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бош майдонга туташ ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бир улкан ҳосиласи — Бизнес марказидир. Мазкур иншоот Мустақиллик майдонига ёндош чорраҳада қад ростлади.

Президентимиз тавсиясига кўра, бу ерда 2004 йилдан Навоий кон-металлургия комбинатининг бизнес марказини барпо этиш ишлари бошланган эди. Бир ярим йил ичида бунёд этилган 14 қаватли иншоот қурилишида маҳаллий қурилиш маҳсулотлари билан бирга, хорижий мамлакатларда тайёрланган ноёб материаллар, жиҳоз ва ускуналар ҳам ишлатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, девор сиртини қоплашда оқ сунъий тош — «сатил» қўлланилгани бинога кўркам қиёфа ва салобат бағишлади.

Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, меъмор, лойиҳачи, қурувчи ва монтажчилар меҳнатини юқори баҳолади.

— Мазкур марказнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга, юртимизга хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб этиб, улар билан манфаатли мулоқотлар ташкил этишга хизмат қилади, — деди Президентимиз. — Айни пайтда бу бино ўзининг бетакрор қиёфаси билан Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдиради, кўркига кўрк, ҳуснига ҳусн қўшади.

Ҳа, изчил юксалиш йўлидан бораётган, осмони мусаффо, бунёдкор халқ мана шундай улуғвор биноларни, бетакрор майдонларни, гўзал фавворааларни қуриши мумкин.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Ғулом МИРЗО,**
**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари**




Шавкат АКРАМОВ олган сурат

**Суратда:** 15 нафар Истиқлол тенгдошлари — (чапдан биринчи қаторда) Камола Пўлатова, Адиба Миркамолова, Шоҳнур Шосаидов, Умида Ҳусаинова, Мансур Раҳимов, Зебо Нуриддинова, Саидкамол Бурҳонов, Наргиза Турсунова, (иккинчи қаторда) Сардор Умархўжаев, Малика Зуфарова, Барно Эгамбердиева, Мухлиса Саидмаҳмудова, Беҳруз Турғунбоев, Нилуфар Қорабоева ва Сардор Аҳмедовлар.

# ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ

### Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз истиқлолининг ўтган 15 йилида, энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрамларида халқимизга айтган дил сўзлари

**1992**

Азиз ватандошлар!

Истиқлол ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда осонлик билан қўлга киритилмаган. Мустақилликнинг бир йили — катта йўлнинг бошланиши, холос. Ҳаётимизнинг ўзи, бошдан кечаётган воқеалар танланган йўлимиз, олдга қўйган мақсадларимиз тўғрилигини яққол тасдиқлаяпти.

Биз мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини қурмоқдамиз. Минг қатла шукурки, тилимизни, динимизни, урф-одатимизни, маънавий қадриятларимизни буткул йўқолиб кетиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик.

**1993**

Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шон-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

**1994**

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.

Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.

**1995**

Тўрт йил ичида Ўзбекистон салоҳияти, унинг улуғвор истиқболи бутун дунё томонидан тўлиқ эътироф этилди.

Тўрт йил ичида биз буюк келажагимизнинг маънавий асосларини белгилаб олдик.

Миллий қадриятларимизни тикладик.

Буюк аждодларимизнинг муборак номларини миллат боши узра баланд кўтариб, уларнинг руҳларини шод этдик. Юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақладик. Барқарорлик шароитида миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворини қуриб олдик.

2-бет

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқига катта мамнуният ила ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

XXI асрда тинчлик, тараққиёт ва инсоний қадр-қимматни олға силжитмоқ учун, халқларга хизмат қилмоқ учун БМТ ўзини янада самарали ва янада масъулиятли ташкилотга айлантира боришни давом эттириши керак. Биз очарчилик ва касалликларга қарши курашаяпмизми ёки демократияни мустаҳкамлаш йўлида иш олиб боряпмизми; терроризмга қарши курашаяпмизми ёки қонун-қоидасини илгари сураяпмизми; тинчликни ҳимоя қилаяпмизми ёки глобал атроф-муҳитни қўриқлаяпмизми, гап мана шунда.

Биз фақат тинч-осойишта глобал ҳамжамиятни барпо этишда муваффақиятларга эришишни истар эканмиз, ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли олға силжиётган эканмиз, шуни англаш қувончлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Ҳукумати ва халқининг давомли мажбурияти ҳамда қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Кофи АННАН,**
**БМТ Бош котиби**

# ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми 30 август куни Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Жунъичиро Коидзуми Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу ният ва интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Япония Бош вазири Тасвирий санъат галереясига борди. Бу ерда олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихидаги буддавийлик даври санъатига оид экспонатларни кўздан кечирди. Ўзбекистон ва Япония археологларининг қўшма экспедицияси фаолияти билан танишди. Будда ҳайкаллари, Кушонлар империяси давридан қолган тарихий буюмлар Япония Бош вазирида катта таассурот қолдирди.

Жунъичиро Коидзуми Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрини кўздан кечирди. Бу муаззам санъат кошонаси иккинчи жаҳон уруши даврида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япониялик фуқаролар иштирокида бунёд этилган.

Япония Бош вазири иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган ва ўзбек заминида абадий қўним топган ватандошлари хотирасига бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди. Ўзбекистонда япон ҳарбийлари хотирасига атаб қурилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларининг белгиси эканлигини таъкидлади. Уларнинг хотирасига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзуми Самарқанд шаҳрида бўлди.

Олий мартабали меҳмон қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини томоша қилди. Соҳибқирон Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди, Улуғбек расадхонаси билан танишди.

— Самарқандга биринчи марта келишим, — деди Жунъичиро Коидзуми. — Шаҳарнинг тарихий обидалари ҳам, бетакрор, замонавий қиёфаси ҳам кишининг баҳри дилини очади. Юртингиздан жуда бой таассуротлар билан қайтмоқдаман.

Шу билан Япония Бош вазири Жунъичиро Коидзумининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Ф.АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, мамлакатимиз фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларини МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади.

Тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик барчамизга ёр бўлишини тилайди.




Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!

# ОЗОД ЮРТ ИНШООТЛАРИ



Асакадаги «ЎзДЭУ авто» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти



Марғилоний ёдгорлик мажмуи



Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуи



Нукус шаҳридаги ёпиқ «Теннис корти»



«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли линияси қурилиши



Қашқадарёдаги Шўртангаз-кимё мажмуи



Амударёнинг 681 метр узунликдаги янги кўприги

● Муносабат

# «ДАДИЛ БЎЛИНГЛАР, ИШОНИНГЛАР, ЭРТАНГИ КУН СИЗЛАРНИКИ!»

Бу гапни ёш авлодга қарата Президент айтди. Давлат раҳбари куни кеча Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишаётиб янги спорт кошонасида «Турон» якка-кураши билан шуғулланаётган болалар даврасида шу гапни айтди. Фахр-ифтихор, қатъият ва ғурур билан айтилган бу сўзлар назаримда ҳар бир кишини ҳаяжонга солди.

Хўш, Президент нега болаларимизга қарата **«БАРДАМ БЎЛИНГЛАР»,** деди?

Биз гўзал, озод ва обод Ватан барпо этаяпмиз. Буларнинг ҳаммасини Сизга, Сиз азиз фарзандларимиз учун бунёд этаяпмиз. Сизлар униб-ўсиб бизларнинг эзгу ишларимизни янада ривожлантириб, шу Ватанни кўз қорачиғидай асраб, ҳимоя қилиб, Ватан шаънини янада юксалтирасизлар, дегани бу!

Бу ботинингизда, ўй-тафаккурингизда ўзлик томири илдиз отсин, дегани! Ор-номус, қадр-қиммат туйғусини баланд тутинглар дегани бу.

Доимо сергак ва хушёр туринглар, юртга қалқон бўлинглар, эгилманглар, мағрур туринглар, деган қатъиятли даъват бу!

Агар одам боласи бардам бўлмаса, ҳам жисмонан, ҳам руҳан бақувват бўлмаса, уни ҳар қандай куч йиқолади, тобе қилади, муте қилади. Бугунги давр синовлари, ҳаётнинг турфа хил бўронлари, тўфонлари ирода ва эътиқодига дарз кетган инсонни енгиб қўйиши мумкин...

Юртимиз равнақини кўролмайдиган айрим ғаламисларнинг, она-диёримизда тинчлик ва хотиржамликнинг бузилишини хоҳловчи баъзи бир ташқи кучларнинг уринишлари чиппакка чиқиши учун ҳам бугунги авлод бардам ва тетик бўлиши шарт, дегани бу!

Биз эзгу ишни бошладик. Юрт озод. Ватан обод! Шундай мўъжизавий бунёдкорлик ишларимизнинг давомчилари Сиз! Юрт тақдири сизнинг қўлингизда дегани бу!

Бир ёқадан бош чиқаринг! Ватаннинг эртаси ва келажаги, тақдири Сизнинг елкангизда деган ишонч бор бу даъватда!

Президент **«ИШОНИНГЛАР, ЭРТАНГИ КУН СИЗЛАРНИКИ!»,** деди.

Ўзига ишонган одам ҳар қандай қийинчиликни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтади. Президент ёш ўғил-қизларимизга қарата айтган бу сўзлар барча-барчамизга тегишли, деб ўйлайман.

Ўзига ишонган авлоднинг иродаси мустаҳкам бўлади, бундай авлод ўз Ватани келажагининг эгаси бўлади, деган ёруғ ният бор, бу даъватда!

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# ҲУРРИЯТ ЙЎЛЛАРИ, ИСТИҚЛОЛ КЎПРИКЛАРИ



Жаҳон тамаддунида яшаган, яшаётган ва яшагувчи элу юрт борки, кўприк деганда — одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил, мушкулини осон қиладиган, йўлларини йўлларга, дилларини дилларга, элларини элларга улайдиган ҳаётий, эҳтиёжий иншоотни тасаввур этадилар... Мухтасар айтганда, янги йўллар очиш, янги кўприклар қуриш — одамлар, халқлар, бутун-бутун мамлакатлар ҳаётида менгзаб бўлмас даражали аҳамиятга, моҳиятга эга. Шу боисдан ҳам, эҳтимол, файласуф халқимиз «кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас» дея доно сўзларини муҳрлаб қўйган бўлса, ажабмас...

Оламга машҳур Буюк ипак йўлини олинг... Унинг асрлар оша ривожига беқиёс ҳисса қўшган ва Шарқу Ғарбга мисли кўприк бўлиб хизмат қилган диёримиз аҳлининг минг-минг йиллик саъй-ҳаракатларини кўз олдингизга келтиринг... Уларда ўлкамиз тараққиёти учун қадим-қадимдан йўлларнинг очилиши, кўприклар қурилиши алоҳида аҳамият касб этиб келганлигини илғаб оласиз.

Мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви, маъмурий сарҳадлари айни шу йўллардан, айни шу кўприклардан фойдаланишга эҳтиёж туғдирган. Улар орқали, бугунги тилимиз атамалари билан айтганда, халқаро коммуникацияларга, дунё бозорларига, денгиз портларига чиқишга орзулар қилинган. Ҳатто энг яқин денгиз портларига чиқиш ва жаҳон халқлари билан савдо-сотиқ ҳамда маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш учун камида икки-учта давлат ҳудудини кесиб ўтишга, қанчадан-қанча машаққатлар чекишга ва боз устига, қанчадан-қанча харажатлар қилишга, шунингдек, талайгина сунъий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келганлигини фараз қилиб кўринг..!

Мустақиллигимизнинг дастлабки кезлариданоқ халқимизда оламга тийрак онг билан қараб, дунё бозорига янги-янги йўллар очиш ва уларда янги-янги кўприклар қуриш зарурати туғилгани боиси ҳам шунда.

Узоққа борманг, яқин 2-3 йил оша назар солинг: Камчиқ довони орқали Фарғона водийси ва кейин Қирғизистон, сўнгра Хитой ҳамда Тинч океани бандаргоҳларигача бўлган масофалардаги Буюк ипак йўли манзилгоҳларини улаган автомобиль йўллари, кўприклар кимнинг ташаббуси, кимнинг раҳномалигида бунёд топди? Баралла айтаоламиз: Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва раҳнамолигида бошланди бу улуғвор ишлар.

Шимолий минтақаларимизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлаган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли ва унинг бор поёни бўйлаб қурилган ўнлаб паҳлавон кўприкларга нима дейсиз!?

Шу кунларда ҳам жадал давом этаётган Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилишининг Деҳқонобод, Тошгузар, Оқработ бекатлари оралиғида тиклаб улгурилган ва тикланаётган кўприкларни ёхуд кўтарма иншоотларни тасаввур қилиб кўринг. Улар ёрдамида яқин фурсат ичида поездлар денгиз сатҳидан 1600 метргача баландликдан юрадиган бўлишади... Улар билан Афғонистон, Эрон заминларидан Форс кўрфазларига чиқмоқни кўзлаб турибмиз.

Шимолда — Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа сари йўл олиш мақсадида 316 километр масофали Қўнғирот — Бейнов тезюрар автомобиль йўли қурилиши ва унинг саҳни узра жойларда тикланаётган маҳобатли кўприклар мамлакатимиз халқ хўжалиги иқтисодиётида «қон томир» боғламлари эмасми!?

«Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз», «Тошкент — Душанбе», «Тошкент — Ўш» халқаро автомобиль йўллари оралиқларидаги кўприкларга-ку гап йўқ...

Таҳририятимизга кун сайин келаётган хат-хабарларда ҳам Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги шарафига мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида янги-янги корхоналар, тиббиёт муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар қатори кенг, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўтарма йўл қурилмалари, ҳаракат хавфсизлигининг йўл ўтказгич иншоотлари тикланиб фойдаланишга топширилаётгани ҳақида қувончли, севинчли дараклар берилмоқда.

«...**Наманган.** Шаҳарнинг Чорсу мавзесида қурилаётган янги иншоот — умумий қиймати 1 миллиард 650 миллион сўмлик кўприк қурилишида сўнгги пардоз ишлари бошланди...»

«...**Қорақалпоғистон** диёри гавҳари — Нукус шаҳрида узукка кўз бўлиб тушаётган яна бир кўприк қурилишида эрта-индин автомобиллар ва йўловчилар ҳаракати қатнови бошланади...»

«**Бўстонлиқ.** Тошкент вилоятининг сўлим дам олиш гўшаларига олиб борувчи тоғ ва тоғ олди йўлларида қурилаётган кўприкларнинг бир йўла учтаси мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида ишга тушади...»

Пойтахтимиз — Тошкентнинг катта ва кичик халқа йўллари бўғинларида сўнгги 2-3 йилда қад кўтарган муҳташам кўприкларни эсланг: Хадра майдони билан Юнусобод мавзесини боғлаган кўприк; Амир Темур кўчаси билан Ҳусниддин Асамов кўчаси кесишган чорраҳадаги кўприк; Фарғона йўли, Қўйлиқ даҳаси, Сирғали тумани ҳудудларида халқаро аҳамиятга эга йўллардаги кўприклар... Қай бирини санайсиз уларнинг!?

Шу йилнинг 22 август куни давлатимиз раҳбари муаззам шаҳримизнинг катта халқа йўли якуний босқичи жараёнлари билан танишиб, Усмон Носир кўчасининг Сирғали, Қўйлиқ ҳамда Отчопар бозорига борадиган кўчалари кесишувидаги йирик чорраҳада қурилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич иншоотига ва Эркин қўрғони ҳудудидан ўтадиган умумий узунлиги 6 километрлик (Тошкент катта халқа йўлини боғловчи) йўлга, айниқса, уларнинг замонавийлиги, қулайлиги жиҳатлари ва ҳар икки томонида транспорт воситаларининг уч қатордан ҳаракатланиши аҳамиятига юқори баҳо бердилар.

Унинг бунёд этилиши — шу пайтгача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми Фарғона водийси вилоятларига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтишлари ҳолларига барҳам берди ва «Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз», «Тошкент — Душанбе», «Тошкент — Ўш» халқаро автомобиль йўлларини туташтирди.

Чилонзор тумани ҳудудидан ўтган кичик халқа йўлининг Халқлар дўстлиги кўчаси билан кесишадиган жойида ишга тушган йирик транспорт боғламасининг эни 30, узунлиги 374, баландлиги 7,5 метр.

«...**Мамлакатимизда,** — деди Ютбошимиз ўша куни — **замонавий техника ва технологиялар ёрдамида йўл ва кўприклар, транспорт боғламлари ва йўл ўтказгичлар қуриш тажрибаси тўла эгалланди. Транспорт қатновини бир зум ҳам тўхтатмай, икки ярим ойда мана шундай улкан иншоотни бунёд этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди...»**

Ушбу иншоотлар бунёд топган жойларда илгари ҳаракат қатновлари кесишиб, транспорт воситалари тиғизлиги ошиб кетарди. Ҳайдовчилар, йўловчилар ортиқча вақт йўқотиб, ёнилғи сарфи кўпаярди. Устига-устак, атроф-муҳит ифлосланарди. Энди эса мазкур иншоотнинг усти ва ости орқали транспорт воситалари олти қатордан бемалол, тез, хавфсиз ҳаракатлана оладилар...

●●●

Кўприклар, кўприклар, кўприклар...

Бугун улар республикамизнинг барча вилоятларидаги шаҳарлар, туманлар, қўрғонлар ва қишлоқларда ҳам қурилмоқда. Улар — иқтисодиётимиз салоҳияти йил сайин ошиб бориб, халқимиз турмуш даражаси юксалаётгани, жаҳонга юз тутган эл-юртимиз фаровонлашаётгани, олиб борилаётган ҳамма ишларимизда узоқ-узоқлар кўзланаётгани самарасидир.

Ўз даврида Амир Темур бобомиз биз қандай куч-қудратга эга эканимизни, нималарга қодирлигимизни билмоқчи бўлганлар тиклаган иморатларимизни кўришсин, деган эканлар. Президентимиз ҳам 22 август куни Тошкентда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари билан танишуви сўнггида дедилар:

**«Биз бугун 15 йил илгари экилган дарахтнинг ҳосилини кўраяпмиз. Қайси ишга қўл урмайлик, аввало, халқимизнинг қадр-қимматини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқдамиз. Бугун биз эришган ютуқлар, биз амалга оширган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг куч-қудратидан нишонадир».**

Беихтиёр, яна доно халқимизнинг доно мақоли ёдга тушади: «Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас...»

Ёхуд уни янада кенг ва янада залворли эзгу маънода талқин қиладиган бўлсак, мустақиллик йиллари қурган ўз кўприкларимиздан беташвиш, беминнат ўтиб бораверамиз...

Бу йўллар — ҳуррият йўллари, бу кўприклар — Истиқлол кўприклари, озод Юртимизнинг обод иншоотлари!

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

**1996**

Ўтган йили Мустақиллик байрамида, мана шу юксак минбарда туриб: «1996 йил Ўзбекистонимиз учун юксалиш йили бўлажак!» деб ишонч билдирган эдим.

Худога минг қатла шукроналар бўлсинким, бизнинг эзгу ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. 1996 йилнинг биринчи ярми якунлари шуни яққол кўрсатмоқдаки, бу йил, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимиз учун барқарор юксалиш ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиш йили бўлур, иншооллоҳ.

**1997**

Ютуқларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин шу билан бирга бугун ечилмаган муаммолар, биз ҳали эришолмаган марралар ҳақида гапириш жоиздир. Ёшу қари фуқароларимизни ҳар томонлама рози қилиш заруратини, бажарган ишларимиздан кўра бажаришимиз керак бўлган юмушларимиз кўпроқ эканини ҳам очиқ тан оламиз.

...Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани сабаби ҳам, мақсади ҳам ҳар бир юртдошимизнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга қаратилгани табиийдир.

**1998**

Бир сўз билан айтганда, етти йил давомида биз келажагимиз пойдеворини қўйдик, истиқлол дарахтининг чуқур илдиз отишига, фарзандларимиз бахт-саодати йўлида эркин ва фаровон турмуш барпо этишга замин яратдик.

...Халқимизда «Етти қиш, етти ёзни омон ўтказган иморат асрлар бўйи салобат тўкиб туради», деган ҳикмат бор. Бугун Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва бунёдкор халқи барпо этаётган мустақиллик иморати ҳам ана шундай мустаҳкам ва мангуликка дахлдор бўлиб қолажак, иншооллоҳ.

**1999**

Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида қўяётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Айтинглар, ўзингизга бир тасаввур қилинглар, азиз юртдошларим, узоқ Америка заминида куни кеча эришган ютуғимиз — бир йўла икки ўзбек паҳлавони — Ўткир Ҳайдаров ва Маҳамматқодир Абдуллаевлар миллатимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганини бир неча йил олдин хаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.

...Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси — бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

**2000**

Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири — бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқараши, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган авлод тарбиясидир.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги ота-оналик бурчимизни адо этиш — умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

**2001**

Тарихан жуда қисқа бўлган ўн йиллик даврда ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз, десам, бу ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғи — қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун юртимизнинг обод қиёфаси, барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, барча миллатларнинг мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат бўлиб яшаётганидир.

**2002**

Ўн бир йил олдин Ватанимиз тарихининг туб бурилиш нуқтасида, ўта таҳликали ва ўта хавфли кунларда биз яккаю ягона тўғри йўлни танлаганимизни бугун ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади.

**2003**

Бугун биз амалга оширган улкан ишларимизга якун ясаб, узоқ ва яқин-атрофимиздаги ҳудудларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан сабоқ ва хулоса чиқаришимиз, аввало нақадар нотинч ва мураккаб дунёда яшаётганимизни чуқур англаб олишимиз, буюк мақсадларимизга эришиш учун ҳушёр ва сезгир бўлиб, азму шижоат билан ўз танлаган йўлимизни давом эттиришимиз зарур.

**2004**

Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай холис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ва амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ёки доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз.

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

**2005**

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳа ва соҳаларида кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эркинлаштириш сиёсатини янада чуқурлаштириш, одамларимизни иш билан тўлиқ таъминлаш, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатига кенг имконият ва ҳуқуқий кафолатлар яратиб бериш ва уларни амалга ошириш, айнан шулар ҳисобидан аҳолининг даромадини, оладиган маошларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни кўпайтириш — буларнинг барчаси сўзда эмас, амалда давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида энг долзарб масала бўлиб қолади.

Айниқса, жамиятимизда демократик тамойилларни жорий қилиш, фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадида давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини замон талабларига мувофиқлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аввало, инсон ҳуқуқи, инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган ижобий ишларимизни босқичма-босқич ҳеч шубҳасиз, охирига етказамиз.

# 15 ШУКУҲЛИ ЙИЛНИНГ НУРЛИ ЛАҲЗАСИ

***Истиқлол йилларида спорт соҳасида эришган ғалабаларимиз сарҳисоб қилинса, сони ҳам, салмоғи ҳам ўтган асрдаги натижалардан кўп ва залворли эканига ишонч ҳосил қиласиз. Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйи арафасида дунё аҳлини ҳайратга солган, спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ғалабаларни яна бир карра эсга олмоқчимиз.***



**1. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИМИЗ ТАНТАНАСИ**

1992 йил 24 июнда Филиппинда якунланган 30-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида миллий терма жамоамизнинг кумуш медаль билан тақдирланиши халқимизнинг бой интеллектуал салоҳиятини жумлаи жаҳонга намойиш этди.

**2. ҚУЁШЛИ ЮРТНИНГ ҚОР МАЛИКАСИ**

1994 йил 12 февраль куни Норвегияда бошланган қишки Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари олимпиадалар тарихида биринчи марта мустақил жамоа бўлиб иштирок этишди. Қуёшли юртимиз вакили Лина Черязова фристайлнинг акробатика турида қорли мамлакатларнинг спортчиларини ҳам ортда қолдириб, 1994 йил 24 февраль куни Олимпия чемпиони, деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

**3. ОСИЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ҒАЛАБА**

Футбол бўйича мамлакатимиз миллий терма жамоаси 1994 йил 16 октябрь куни Хиросимада ўтказилган 12-Осиё ўйинларининг чемпиони бўлди.

**4. ОЛИМПИЯ ОЛТИН ОРДЕНИ**

1996 йил 6 февраль куни Халқаро Олимпия Қўмитасининг Лозанна шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия ғояларига садоқати ва жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари учун спортдаги энг олий мукофот — ХОҚнинг Олимпия Олтин ордени топширилди.

**5. ПРОФЕССИОНАЛ БОКСДАГИ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАР**

Ўзбек бокс мактабининг тарбияланувчиси Артур Григорян 1996 йил 13 апрель куни WBO (Бутунжаҳон бокс ташкилоти) таснифи бўйича жаҳон чемпиони бўлди. У профессионал боксчилар орасида «Қирол Артур» номи билан шуҳрат қозонди, жаҳон чемпиони унвонини 17 бор муносиб ҳимоя қилиб, Ўзбекистоннинг, ўзбек бокс мактабининг довруғини оламга ёйди.

**6. БАЙРОҒИМИЗ «ДУНЁ ТОМИ»ДА ҲИЛПИРАДИ**

1998 йил 22 май куни ўзбек альпинисти Рустам Ражабов Эверест чўққисига Ўзбекистон байроғини қадади.

**7. ЎЗБЕК КУРАШИ — XXI АСР СПОРТИ**

1998 йил 6 сентябрь куни Тошкентда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА)га асос солинди. Кураш дунёга чиқди. Ҳозирги кунда КХАнинг бешта минтақавий конфедерацияси, 88 та давлатда кураш миллий федерацияси фаолият кўрсатяпти.

**8. БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ**

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан 2000 йил — «Соғлом авлод йили»да Наманганда биринчи марта талаба ёшларнинг «Универсиада»си ўтказилди. Ғолибларга Президент мукофотлари топширилди.

Шу тариқа ўқувчилар ва талаба ёшлар ўртасидаги узлуксиз 3 босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари ташкил этилди.

**9. ОЛИМП ЧЎҚҚИСИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ**

2000 йил 1 октябрь куни Австралиянинг Сидней шаҳрида ўзбек ўғлони — таниқли боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев Олимпия чемпиони, деган юксак унвон билан шарафланди.

**10. РУСЛАН — ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ**

Оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев 1997 йил Будапештда, 2001 йил Бельфастда жаҳон чемпиони бўлиб, ўзбек бокс мактаби шуҳратига шуҳрат қўшди.

**11. АФСОНАГА АЙЛАНГАН ОКСАНА**

Машҳур гимнастикачимиз Оксана Чусовитина Олимпия ва жаҳон чемпиони бўлган, кўплаб нуфузли мусобақаларда ғолиб чиққан. 2002 йил Пусанда бўлган 14-Осиё ўйинларида Оксананинг 2 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритиши эса унинг номини афсонага айлантирди. Чунки у фарзанд кўрганидан кейин мусобақаларда қатнашиб, ғалаба қозонган дунёдаги биринчи гимнастикачи аёл сифатида тан олинди. Шунингдек, Оксана тўртта Олимпия ўйинларида (1992, Барселона, 1996, Атланта, 2000, Сидней, 2004, Афина) қатнашган дунёдаги ягона гимнастикачидир.

**12. РУСТАМ — ЎН ЕТТИНЧИ ШОҲМОТ ҚИРОЛИ**

Шоҳмотда тождор бўлиш осон эмас. 1886 йилдан буён жаҳон чемпионини аниқлаш учун мусобақалар ўтказилаётганига қарамай, ҳозирча 18 шоҳмотчи шундай шарафли унвонга сазовор бўлган. Улардан ўн еттинчиси бизнинг фахримиз Рустам Қосимжоновдир. Ливияда ўтган жаҳон чемпионатида (2004 йил 13 июль) ғолиб чиққан ҳамюртимизнинг исми шарифи жаҳон спорти солномаси китобига ўн еттинчи тождор сифатида зарҳал ҳарфлар билан ёздирилди.

**13. АФИНА ОЛИМПИАДАСИ — ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯСИ**

2004 йил август ойида Афинада кечган олимпиадада ўзбекистонлик спортчилар — Александр Доктуришвили, Артур Таймазовнинг олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Ўткир Ҳайдаров ва Баҳодир Султонов бронза медаллари билан тақдирланди. Олимпиадада қатнашган 200 дан зиёд мамлакат орасида Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобида 34-ўринни эгаллаши жаҳон спорт мутасаддилари томонидан катта муваффақият сифатида эътироф этилди.

**14. СПОРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ**

Истеъдодли ёш спортчимиз Светлана Радзивил бундан ўн кунча илгари Хитой пойтахти Пекинда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида баландликка сакраш бўйича олтин медалга сазовор бўлди.

**15. ОНА ХАЛҚИМ — ЎЗИНГ ҒОЛИБСАН**

Бўлажак чемпионларни дунёга келтирган ҳам, уларни опичлаб вояга етказган ҳам она халқим ўзингсан! Спортчингни халқаро мусобақага йўллаган ҳам, уни энг қийин лаҳзада қўллаган ҳам, ғолиб чиққанида биринчи бўлиб қутлаган ҳам она халқим ўзингсан! Шу боис спорт соҳасидаги бош ғолиб сен ўзингсан, она халқим!

Биз юртимизнинг катта тўйи арафасида 15 шукуҳли йилнинг 15 нурли лаҳзасини хотирладик, холос. Зеро, Мустақил Ўзбекистон спортининг ғалабалари сони ҳам, салмоғи ҳам катта. Илоҳим, ҳар бир кунимиз ғалабаларга, нурли лаҳзаларга бой бўлсин!

**Асрор МЎМИН**

● ЎзХДП:

## БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

**Урганч туман кенгаши** бир қатор муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишланган «Ватан — муқаддас даргоҳ» шиори остида ижодкор ёшлар фестивалини ўтказди. Ғолибларга байрам совғалари топширилди.

**Қарши шаҳар кенгаши** вилоят кардиология марказида уюштирган байрам тадбирида партия вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов шифокорларни энг улуғ байрам билан табриклаб, ХДП фаолияти, дастури, мафкураси ҳақида сўз юритди. Тадбир охирида қайта рўйхатдан ўтказилган партия аъзоларига янги нусхадаги гувоҳномалар топширилди.

**Гулистон шаҳар кенгаши** шаҳарнинг Муқимий номли маҳалласида «Мустақиллик — энг олий неъмат» деб номланган тадбир ўтказди. Унга шаҳардаги маҳаллаларнинг оқсоқоллари, кам таъминланган оилаларнинг аъзолари ва фаоллар таклиф этилдилар. Тадбир сўнггида байрамона дастурхон ёзилди, маҳаллага ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП **Қамаши, Ғузор, Деҳқонобод, Хива, Сардоба, Тўрткўл, Нукус, Қораўзак, Жарқўрғон туман, Навоий шаҳар кенгашлари** ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик байрамига бағишланган турли оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ОЗОД ЮРТ ИНШООТЛАРИ



Челак туманидаги Имом Ал-Бухорий зиёратгоҳи



Чирчиқдаги «Бурсел — Тошкент текстиль» МЧЖ Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси




Ғиждувон спорт саройи



Навоий шаҳридаги Мир Алишер Навоий жомъе масжиди



Жиззах вилоятидаги тиббий диагностика маркази



Сирдарё вилояти Марказий банки

● **31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни**

# КОМИЛЖОН ДЕВОНИЙ ҚИСМАТИ

Совет давлати тарих саҳнасига келиши биланоқ Романовлар сулоласи қириб ташланганидек, 1937 йилда Хоразм воҳасига етиб келган қатағон бўрони биринчи навбатда хон саройига яқин кишиларни ўз домига тортди. Кимнинг исм-шарифида Девоний ёки Девонов сўзи бўлса, улар қамоққа олиндилар. Шулардан бири Комилжон Исмоиловдир.

Комилжон Исмоилов (Девоний) 1884 йилда Хивада туғилган. Унинг отаси Саид Абдуллахоннинг мирзаси бўлиб, каттагина ерида деҳқончилик қилган. 30-йилларнинг аввалида минглаб оилалар «қулоқ» сифатида олис ўлкаларга бадарға қилинганида, Исмоил ота хон саройига яқин бўлганлиги ва ер-сувга эгалиги боис 1931 йили биринчилар қаторида «қулоқ» тамғасини олди. Аммо у большевиклар талаб қилган солиқни ўз вақтида тўлаб, оиласи билан бадарға этилишдан қутулиб қолди.

Комилжон саройга яқин оилада дунёга келгани сабаблими, келишган, ўқимишли ва истеъдодли йигит бўлган. 1917 йил инқилобига қадар Хивадаги мадрасаларнинг бирида таҳсил кўрган Комилжон мадраса илмларидан ташқари, шоирлик, бастакорлик, хонандалик ва албатта, отамерос касб — ҳаттотлик, муҳрконлик, ўймакорликка ҳам қизиққан ажойиб истеъдод эгаси эди. Унинг энг севган касби ёғоч, мармар ва турли металларни ўйиб нақш ишлаш бўлган.

Таниқли жамоат арбоби Қурбон Берегин 1936 йил сентябрь ойининг бошларида истеъдодининг ана шу қирраси туфайли уни Тошкентга олиб келади. Афсуски, у бошига келаётган балоқазодан қочиб қутилолмайди. 1937 йил 27 сентябрда уни ўзи истиқомат қилаётган манзил — 1-Қоратош кўчасидаги 8-уйдан олиб кетишади. Унга аксилинқилобий миллатчилик ва исёнчилик ташкилоти Хоразм бўлимининг аъзоси, деган айб қўйилади.

Ўша вақтда унинг Ҳамза исмли ўғли эндигина 4 ёшга тўлган эди. Орадан 21 йил ўтиб, шахсга сиғиниш оқибатлари фош этилгач, ўғил отасининг тақдири билан қизиқиб, турли идораларга хатлар йўллайди. Шундай хатларнинг бирида у отаси ҳақида қуйидаги маълумотни берган:

*«Отам 1887 йилда туғилган, Бобом Исмоил муҳркон, шоир, ўймакор бўлиб, Хива хонлигининг штамп ва муҳрлари ҳамда турли давлат белгиларини тайёрлаш билан шуғулланган. Отам 16 ёшга тўлганида бобом қазо қилган ва отам амаким Худойберган муҳркон қўлида тарбияланган...*

*Ўша даврдаги хонлар адабиёт, санъат ва музика арбобларини сарой атрофига тўплаб, улардан ўз хоҳишларига яраша фойдаланганлар. Бобом билан Худойберган муҳркон ҳам шу тарзда яшаб ишлашган. Отам ҳам улар изидан бориб, улар ҳунарларини ўрганган, кейинчалик эса шеърлар ҳам ёза бошлаган...*

*Отам октябрь инқилобидан кейин Хоразм вилоят театрида созанда, Хива шаҳридаги техникумда музика ўқитувчиси, давлат белгиси (Гознак)да эса муҳркон бўлиб ишлаб, Хоразмда нашр этилган газета ва журналларда ўз шеърлари билан қатнашиб турди. Кейин у Шарқ шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва бошқа ишлар қилиш учун Давлат нашриёти томонидан Тошкентга чақириб олинди. Шундай қилиб, у Тошкентга келиб, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги Ёзувчилар уюшмасида ишлади.*

*1937 йил охирида у Тошкентда қамоққа олиниб, унинг Хивадаги тўрт хонали уйи ва 1000-2000 квадрат метрли боғи қулоқлаштирилди. Исмоил Комилжон Девонийнинг таржимаи ҳоли ва тарихи мана шундан иборат».*

Ҳамза Комиловнинг отаси ҳақидаги сўзларида хато ва чалкашликлар йўқ эмас. Аммо унинг берган аксар маълумотлари айни ҳақиқатдир. Комилжон Девоний



чиндан ҳам ҳар тарафлама истеъдодли кишилардан бўлган. У хоразмликлар ўртасида лирик ва ҳажвий шеърлари билан шуҳрат қозонган шоир ҳам эдики, унинг ана шундай шеърларидан бири муаллифнинг ҳибсга олинишига сабабчи бўлган.

Исми номаълум хуфялардан бири Девонийнинг ўша шеъри тўғрисида НКВДнинг Хоразм округ бўлимига маълумот берган.

Яна бир хуфяномада эса мана бундай сўзларни ўқиймиз:

*«Шоир Комилжон Исмоилов (Девоний) 1928 йилда бир шеър ёзган. Бу шеърда партия ва совет ҳукуматининг сиёсати билан келиша олмаслигини, ундан норозилигини ифодалаганки, бу ҳол шеърнинг «Ҳалойиқ тортадур оҳ-фиғон» деган сарлавҳасидан ҳам очиқ кўриниб турибди. Бу шеърда у совет ҳокимияти даврида ҳеч кимга меҳр-шафқатнинг йўқлигини айтиб, унинг — совет ҳокимиятининг синфий душманларга ҳам шафқатли муносабатда бўлишини хоҳлайди.*

*Шоир ҳозирги даврдан норозилигини ифодалаб, эски замонларнинг келишини кутади ва яшашдан кўра ўлимни афзал биладики, бу ҳол қуйида келтирилган сатрлардан ҳам кўриниб турибди:*

*Соқий, шароб қуй, тўйдим бу дунёнинг заҳридан,*
*Яхши ҳамки сен борсан, сендан бошқа гўзаллик йўқ.*
*Қалбга қалб бергач, менга куйиш имконини берма,*
*Йиллар ўтар, аммо кутганим раънодан дарак йўқ.*
*Одамзот излагай бахт, лек тополмас борар йўлни,*
*Ҳажр ўтида ёнсам-да, чашми гирёндан нишон йўқ.*

(Сўзма-сўз таржима)

*Исмоил бу шеърни Хива шаҳрида Сафо Муғаннийнинг уйида ёзган. У Сафо Муғанний билан бирга бу шеърни 1935 йилгача ижро этиб юрган. Исмоилов ашулага ғижжак билан, Сафо Муғанний эса гармон билан жўрлик қилишган».*

Комилжон Девоний ана шу икки хуфянома асосида қамоққа олинади. Комилжон Девонийнинг «жиноий иши» бўйича чақирилган бир неча киши ҳам юқорида баён қилинган «айб»ларни тасдиқлагандек бўлади. Шундай қилиб, 1938 йил 10 февралда Хоразм фарзандларидан бири «учлик» қарори билан отувга ҳукм қилиниб, унга тегишли мол-мулк ҳукумат фойдасига мусодара этилади. Лекин Комилжон Девоний отув кунига ҳам етиб бормай, тергов пайтида чеккан азоб-уқубатлари туфайли 1938 йил 5 май кечаси соат 1 да Урганч қамоқхонасида вафот этади.

1958 йилнинг май-июнь ойларида Комилжон Девоний ишини қайта кўриш пайтида бундан 20 йил муқаддам унга қарши кўргазма берган кишилар ўз сўзларидан қайтиб, бундай деганлар:

**Абдуллаев Ота (1909 йилда Хивада туғилган, «Хоразм ҳақиқати» газетаси ходими):** *«Мен Исмоиловни хонанда ва созанда сифатида биламан. У қўшиқ ёзар, ғижжак чалар, бошқа хонанда ва созандалар билан бирга тўйларда ашула айтар эди... Ижтимоий ҳаётда қатнашмаган, совет ҳокимияти шаънига ҳам ёмон сўз айтмаган...*

*Мени ҳеч қачон терговга чақиришмаган. Бу имзо меники эмас».*

**Ризаев Машариф (1901 йилда туғилган, масжид кассири):** *«Мен ўша пайтда ишга совуққонлик билан қараганим учун қамалган эдим. Бундай кўргазмани бермаганман. Мен Комилжон Исмоилов билан шахсан таниш бўлмаганман. Аммо терговчи мени терговхонада сўроқ қилиб, нималарнидир ёзган. Сўроқномада ёзилган гаплар ҳақиқатга асло тўғри келмайди».*

**Ёқубов Мадраим Шерозий (1890 йилда туғилган, машҳур ҳофиз):** *«Исмоилов Комилжонни мен болалик пайтимдан бери яхши биламан. Биз бирга ўсганмиз ва ўзаро яхши муносабатда бўлганмиз... У инқилобга қадар Хива хонининг мирзаси бўлган ва хон учун ўйма муҳрларни тайёрлаб берган. Инқилобдан кейин эса қурилишларда ёғоч ўймакорлиги билан машғул бўлган... Исмоилов ўз ҳунарининг устаси эди. Уни сиёсий жиҳатдан етук киши, деб бўлмасди, шунинг учун ҳам мен унга сиёсий жиҳатдан баҳо бера олмайман. Унинг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида ҳеч нарса билмайман ва ҳеч нарсани сезмаганман. Мен уни фақат яхши томондан билганман... Мен бундай кўргазмани бермаганман. Ўқимасдан қўл қўйганман».*

1937-1938 йилларда аксар гувоҳлар кўпроқ ўз жонларини ўйлаганлари учун дўстлари, хизматдошлари ёки маҳалладошларини терговчи ёзган сўроқнома, аниқроғи, туҳматнома матнини ўқимай қўл қўяверганлар. Ўшанда терговчиларнинг дўқ-пўписаларини писанд қилмаслик ўзини ҳам азоб-уқубатларга, дўзах азобларига гирифтор қилиш билан баравар эди. Шу боис уларни ўтмишдаги иродасизликлари учун қоралаш инсофдан эмас. Улар ҳам маълум маънода қатағон даврининг жабрдийдаларидир. Комилжон Девоний сингари Ватан ва халқ озодлиги йўлида шаҳид бўлган минглаб бегуноҳ жабрдийдаларнинг хотирасига эса бизнинг ҳурматимиз абадийдир.

**Наим КАРИМОВ**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

**Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**«Жиззах вилояти, Арнасой ва Мирзачўл туманларидаги сув ўтказиш тармоқларини қайта таъмирлаш ва кенгайтириш — I босқич (калити билан)».**

***Қурилиш муддати: 90 кун.***

**Буюртмачи манзили:** Жиззах вилояти, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. **Телефонлар:** (8372) 222-31-59, 222-30-11.

*Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:*

**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.
Тел/факс: 226-14-66.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм.*

*Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*

• Озод юрт иншоотлари

# ФУСУНКОР ФАВВОРАЛАР



Юртимизнинг тарихий обидалари, меъморий ёдгорликларидан тортиб, осмонўпар, замонавий услубда қурилган, маҳобатли иншоотларигача ўз тарихи, ўтмишига эгадир. Шаҳри азим пойтахт кўркига кўрк қўшиб турган фавворaларнинг ҳам ўз тарихи бор. Зеро, Соҳибқирон Амир Темур ҳам шаҳри Кеш, Самарқанд, Хуросону, Туркистондаги улкан қурилишларни бунёд этаркан, албатта, атрофмуҳитни соф, иқлим мўътадиллигини сақлаб туриш мақсадида фавворалар, ҳовузлар қуришга алоҳида аҳамият қаратган. Тарихий манбаларда Дилкушо боғидаги фусункор фавворанинг таърифи ҳатто хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотганлиги қайд этилган. Испаниялик элчи де Клавихо ўз саёҳатномасида: «шоҳ саройидаги жилоланиб кўкка отилиб турган фаввора...» хусусида ёзиб қолдирган.

Фавворалар... У қайси замон, қайси маконда бўй чўзмасин, инсоннинг руҳий оламига силсила, шаҳарнинг чиройига ажиб таровaт бахш этиб туради. Пойтахтимиздаги оқ мармар тошлар билан безатилган тунда тусланувчи, рангли фавворалар беихтиёр киши руҳиятига сокинлик улашиб, шукроналик ҳиссини уйғотади.

Шу тобда негадир шаҳарнинг бундан 15-20 йил илгариги қиёфаси хаёлан кўз олдимдан бир-бир ўтади. Биз ёшларнинг кўнглимизда гўё Хадра майдонидаги, Алишер Навоий номидаги давлат Академик катта театри қаршисидаги фавворадан ҳам улканроқ фаввора йўқдай туюларди... Тошкентдаги илк фаввора 1890 йилда ўша давр амалдорларининг бири ҳовлисида қурилган бўлса-да, (ҳозирги республика Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи) ўтган асрда бу анъана эътибордан бироз четда қолганди.



Истиқлол йилларида наинки, пойтахтимиз, балки барча вилоят, туман марказларида улкан қурилишлар, кўприклар, йўллар ҳамда инсон саломатлигининг «соқчиси» бўлган фавворалар қурилди. Бугун ҳатто узоқ туман, чекка қишлоқда қурилган мактаб, боғча ҳовлисида мўъжазгина ҳовузча ёки осмонга сув сачратиб, шодлик улашаётган фавворага кўзингиз тушади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг ўзида 50 дан ортиқ турли услубдаги фавворалар бор. Ўзбекистон Миллий боғи, Алишер Навоий номидаги давлат Академик катта театри майдони, «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси, Хадра майдони, Дархон мавзесидаги «Ғарбий соҳил савдо мажмуаси» рангли фавворалари кечки пайт аҳолига олам-олам қувонч, завқ улашмоқда. Фавворалар айниқса, истиқлол йилларида кўплаб қурилди, эскилари қайта реконструкция қилиниб, жаҳон андазаларига мосланди, замонавий кўринишга эга бўлди.

Тошкент — Шарқ дарвозаси. Унинг бугунги ландшафти, шарқ ва ғарб меъморчилиги уйғунлашган фавворалари шаҳарнинг дунёдаги энг кўркам ва обод шаҳарлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида муҳим ўрин тутади.

Зеро, истиқлол йилларида шаҳримиздаги фавворалар тизимини такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли «Шарқ шаббода» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ташкил топди.

— Пойтахтимиз ландшафтини жаҳон андазаларига мослаштиришда, албатта, фавворaларнинг аҳамияти катта, — дейди биз билан суҳбатда жамият раиси ўринбосари Руслан Алексеевич Хан. — Жамоамизда салкам юз нафар малакали мутахассис, ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Фавворалар тизимини янада такомиллаштириш шаҳар кўркига кўрк қўшади, иссиқ мавсумда ҳудудимиздаги экологик вазиятни меъёрий талаблар даражасида ушлаб туради. Муҳими, халқ саломатлигини муҳофазалайди. Шу боис мавжуд фавворaларни қайта таъмирлаш, реконструкциялашга алоҳида аҳамият беряпмиз. Юртбошимизнинг бевосита таклифи ва кўрсатмаси асосида обод этилган Мустақиллик майдонида яна 2 та янги фаввора ишга тушди. Бу ердаги фавворалар мажмуаси янада бойиди. Бу бизнинг — тўйга тўёнамиз.

Дарҳақиқат, бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда, яшил олам ҳамда сувнинг аҳамияти беқиёсдир.

Назаримизда, бугун бола кулгусидай беғубор шилдираб, кўк бўйлаб отилаётган кумуш фавворалар гўё юртдаги тинчлик, осойишталикни куйламоқда...

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

• Интер-спорт

## ЯНГИ ЙИЛДА РИНГГА ҚАЙТАДИ



Украиналик моҳир боксчи жаҳон чемпиони Владимир Кличко америкалик Келвин Брок билан Нью-Йоркда 11 ноябрь куни жанг қиладиган бўлди. Аслида у Олег Маскаевни жангга чорлаганди. Шу муносабат билан WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазнли жаҳон чемпиони Олег Маскаевнинг иш юритувчиси Деннис Раппопорт ўз мулоҳазаларини баён қилди. «Маскаев 11 ноябрга қадар жанг қилишга тайёр бўлолмасди. Рентген текшируви унинг қўлида жароҳат борлигини аниқлади. Бундай дарддан халос бўлмагунча боксчининг рингга кўтарилиши мумкин эмас. Балки, у шу йилнинг охирида, аниқроғи, январь ойи бошида рингга қайтиши мумкин».

## МУРАББИЙНИ РАНЖИТГАН ЎЙИНЧИ



Бразилиялик ярим ҳимоячи, айни пайтда «Барселона» ўйинчиси Роналдиньо клуб бош мураббийи Франк Райкард билан келишолмай қолди. Голландиялик бу мутахассис «Барселона»нинг Испания чемпионати бўйича «Сельта» жамоасига қарши сафар учрашувига Роналдиньони олиб бормади. «Барселона» бу ўйинда ғалаба (3:2) қозонди. Расмий равишда Роналдиньо жароҳатланган деб эълон қилинди. Мураббийнинг бу ўйинчидан ранжиган жойи шундаки, Европа суперкубоги учун «Севилья» жамоаси билан учрашувда у ўзини яхши кўрсатолмагани ва имконият бой (0:3) берилгани сабаб бўлди. Бу мағлубиятдан кейин мураббий ўйинчиларга навбатдан ташқари машғулотлар ўтказишни лозим кўрди. Роналдиньо эса бундай машқларда иштирок этмаган.

Англиянинг «The Sun» нашрида ёзилишича, Райкард ҳар қандай машҳур футболчига ҳам алоҳида имтиёз яратиши мумкин эмас, деган фикрда. Ўйинчи билан мураббий ўртасидаги келишмовчиликдан фойдаланиш ниятидаги «Челси» ҳамда «Милан» каби клублар раҳбарлари эса Роналдиньони ўз томонларига оғдиришга ошиқиб қолишди.







**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya va salomatlik — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Alisher RO`ZIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Sobirjon TUNG`ATOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**
**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 1052
*7452 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*

O'zA yakuni —
Topshirish vaqti —
1 2 3 4 5 6

**Sotuvda erkin narxda**